

## Гуманитар Фанларни Ўзлаштиришда Синектика Методини Қўллаш Афзалликлари

**Баймухамбетова Раҳима Қалбаевна**

*ЖДПИ академик лицейи тарих фани ўқитувчиси*

### ARTICLE INFO.

#### **Калит сўзлар :**

Синектика методи, бевосита аналогия, субъектив ёки шахсий аналогия, рамзий аналогия, ҳаёлий аналогия, эвристик методлар, майевтика, ибтидоий оламга саёхат, ақлий хужум.

### Annotatsiya

Мазкур мақолада Синектика методининг тарихи, таълим соҳасида, айнан гуманитар фанларни ўқитиш жараёнида бу методдан фойдаланишнинг ижобий ва қийин тамонлари, методнинг турлари ҳақида тўхталиб ўтилади. Иқтисодиёт асослари, Маънавият асослари, Дунё динлари тарихи, Ўзбекистон тарихи, Жаҳон тарихи фанларини ўқитишда Синектика методининг қайси тури билан боғлаб ўтиш мақсадга мувофиқлиги қисман ёритиб берилган.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2022 LWAB.

Юксак технологиялар даврида яшар эканмиз ҳаётимизнинг ҳар-бир жабҳаси янгилашиш, инновацион ва креатив ғояларга тўлиб бормоқда. Шу жумладан педагогика соҳасида ҳам. Бугунги кун болаларини таълим жараёнида буткул қамраб олиш, ўқитувчидан катта моҳорат талаб этади. Замон талабига асосан дарс бериш жараёнларига турли метод ва усуллар тадбиқ этилмоқда. Шулардан бири Синектика методидир. Фанларнинг барча йўналишида кенг фойдаланиладиган бу метод қачон пайдо бўлди ва гуманитар фанларни ўқитишда афзалликлари нимада? Синектика методи XX асрнинг 40-йилларида Уильям Гордон тамонидан тақлиф этилган бўлсада бу метод 1961 йилда унинг “ Синектика-ижодий тасаввур ривожини” китоби чоп этилгандан сўнг оммалашди. Синектика- юнон тилида “турли элементларни бирлаштирувчи” -деган маънони англатиб, бу жамоа интеллектуал салоҳиятига ижтимоий-психологик қувват, мотивация бериш демақдик. Синектика методи, жамоа ёки ўқувчиларнинг ўзи вазиятга ойдинлик киритиб берувчи ақлий-хужум методига асосланган ҳолда эвристик методлар қаторидан жой олади.<sup>1</sup> Эвристик методнинг номидан маълумки бу кашф этиш, аниқлаш, янгилик каби иборалар билан ҳамроҳандир. Фаннинг барча йўналишларига қўл келувчи бу метод қадимги Юнонистонда яшаб ўтган машҳур файласуф Сукротнинг номи билан боғлиқдир. Сукрот бу методни куллар экан, кутилган натижага эришиш учун ўқувчиларнинг нотиклик маҳорати ва сўз ўйинларидан кенг фойдаланган. Сукротнинг ўзи бу усулни “ Яралиш санъати” яни “ майевтика” деб атайдди. Бу ҳам Сукрот тамонидан қўлланилган фалсафий метод бўлган. У айланма саволлар орқали шахс кўнглидаги яширин ҳақиқатни ошкор эта олган. У буни “Ҳақиқатнинг туғилиши” деб ҳам атайдди. Сукрот ўзи таҳлил қилган ёки билган ҳақиқатни суҳбатдоши билан бўлишмайди балки, уни, унинг онг шууридан суҳбат давомида суғуриб олади. Шунинг учун ҳам эврика формуласи “ Мен ҳеч нарсани билмаслигимни биламан” деб

бошланган.<sup>2</sup> Уильям Гордон мазкур методни бир неча аналоглар (ўхшатишлар)га бўлиб чиқади.

Бевосита аналогия- мазкур муаммога ўхшаш муаммолар қай тариқа хал қилиниши талабалар назарида кўриб чиқилади.

Субъектив ёки шахсий аналогия - Топшириқда берилган объект образига кириб, ўша кишининг нуқтаи назаридан мушохада қилиш.

Рамзий аналогия - муаммо моҳиятини бир неча сўзлар, метафоралар билан образли қилиб тарифлаб бериш. Ҳаёлий аналогия - эртақ ёхуд машхур қахрамонлар бу муаммони қандай хал қилган бўлар эдилар, -деган саволга жавоб изланади. Фантастик тасаввурлар баён этилади.<sup>3</sup>

Бу методни амалда тадбиқ этишнинг қийин тамонлари ҳам мавжуд.

- Синектика методи кўпчилик тамонидан макулланган анъанавий фикрга ёндошиб қарор қабул қилишингизни тезлаштиради, бироқ айнан бир соҳадаги ўткир муаммони хал қилиш учун катта куч ва имконият талаб қилади;
- Бу методни амалда қўллаш жараёнида 30-40 дақиқадан сўнг янги фикрлар ва ғояларни саралаш , танлаш имкониятига эга бўласиз аммо бироз ўз фикрингизга ўралашиб паришонлик қилсангиз асосий фикрлардан айрилиб қоласиз. Чунки унинг ўрнини бошқа фикр ва масала тез эгаллаб олиши мумкин.
- Бу методни қўллаш учун ижодий гуруҳни бошқараётган шахсдан юқори маҳорат талаб қилиниб, бу вақт мобайнида бошқарувчи ўзида медиаторлик қобилиятини кашф этиш имкониятини беради, борди-ю калаванинг учи йўқолиб қолса бу ўзингизни мағлуб этилгандек ҳис қилишингизга олиб келади;<sup>4</sup>

Синектика методини қўллаш жараёнида аналогияларга катта эътибор қаратилади. Инсон ўз танасини мукамал бир механизмга айлантириб, масала ечимини излашга ва топишга қодир. Бу методни бир нечта қоидалари борки, бу унинг муваффақиятини тaminлайди.

- Гуруҳ аъзоларини устун тамони ёки камчиликларини муҳокама қилиш тақиқланади;
- Ҳар ким ўзида чарчокни ҳис қилса ёки суҳбатга қизиқиши сўнса, гуруҳни тарк этиш ҳуқуқига эга. Бунда у бу иши учун бошқаларга ҳисоб беришга мажбур эмас.
- Бу метод, “Ақлий хужум” методидан фарқли равишда, пухта тайёргарликни талаб этади.<sup>5</sup>

Ижтимоий-гуманитар фанлар йўналишида Синектика методидан

фойдаланиш дарсни жуда сермазмун ўтишини кафолатлайди. Биз бунда “Ўтмишни ҳис қилиб” деб номланган ўзимизнинг усулдан фойдаланамиз. Чунки мавзуларнинг хилма-хиллиги ўқувчининг фикрлаш доираси, гуруҳ ва синфларнинг ўзлаштириш кўрсаткичларига қараб дарс бераётган ўқитувчи ўзи танлаган усулни ўзи ҳоҳлаганидек номлашдан тортинмаслиги лозим. Синектика методининг бевосита ва шахсий аналогия қисми Ўзбекистон тарихи дарсида жуда яхши самара беради. Бевосита ва шахсий аналогия қисмининг аҳамияти қуйидагилардан иборат:

- Ўқувчи ўтмишга назар солишга муваффақ бўлади;
- Ўқувчи ўзини маълум бир шахс ўрнига қўйиб кўради;
- Шу давр муаммосини ўзи ва жамоаси манфаати фойдасига хал қилиш учун бош қотиради;
- Қайси йўлни кимнинг тарафида бўлишни мулоҳаза этади;
- Айни дамда ўзи ва яқин ўртоқлари ўтмишдаги одамлар ҳақида қандай муносабатда эканлигига назар ташлайди. Шунинг учун ҳам хато қилмасликка ҳаракат қилади.
- Энг муҳими ўқувчининг шахсий қирралари ҳам очилади. Бу ерда виждон амри деган тушунчалар ҳам ҳаммани уйлашга мажбур этади.

Рамзий-хаёлий аналогия методидан асосан Жаҳон тарихи фанида кўл келади. Чунки жаҳон давлатларининг ўзаро муносабатларига фикр билдириш ўқувчиларга анча енгиллик туғдиради. Бунга мисол қилиб, I-жаҳон урушининг якунларига бағишланган Халқаро муносабатлар мавзусини мисол тариқасида кўриб чиксак. Чунки бу мавзу ўқувчиларга кенг ва бемалол фикрлаш имконини беради. Қуйида келтирилган сахна кўриниши бирон китоб ёки хужжат асосида эмас ўқувчиларнинг сценарийси асосида бўлиб бу уларнинг хаёл маҳсулидир. Улар бир йил давом этган конференция масалаларини 5 та одам иштирокида умумий тарзда ёритиб беришга ҳаракат қилишади. Кейинги 5-6 та ўқувчидан иборат жамоа эса кейинги мавзуларга шу каби кириш ясаб берадилар.

Автор: - Биринчи жаҳон урушининг якунларига бағишланган Париж тинчлик конференциясига 27 давлат делегацияси Франция пойтахти Парижга тўпландилар. Франция бош вазири Жорж Клеманцо тинчлик шартномасини шартларини ишлаб чиқиш бўйича Халқаро конференциянинг Париж шаҳрида ўтказилишини қаттиқ туриб ҳимоя қилди ва ниҳоят ўз мақсадига эришди ҳам. Париж конференцияси 1919- йилнинг 18-январ куни ўз ишини бошлади. Конференция очилишининг айнан шу куни белгиланиши бежиз эмас эди. Чунки 1970-1971- йилги Франция-Пруссия урушида ғолиб Пруссия билан енгилган Франция ўртасида шартнома айнан шу саройда ва айнан шу куни имзоланган бўлиб, 18- январ куни Германия империя деб эълон қилинган эди. Тинчлик конференциясига 27 давлат вакиллари иштирок этсаларда амалда барча асосий масалалар “катта учлик” деб аталган АҚШ, Буюк Британия, Франция давлат раҳбарлари тамонидан хал этилди. Бу конференцияда ҳар-бир давлат I-жаҳон урушидан кейин дунёни бўлиб олиш, уруш ҳаражатларини мағлуб давлатлар гарданига юклаш каби муҳим масалаларни ўз фойдасига хал қилишга интилдилар. Бу вақтда мазкур иттифоқнинг асосий азоси бўлган Россия давлатида ҳокимият алмашинуви натижасида Россия ва Германия ўртасида сулҳ шартномаси имзоланган бўлиб, буни юқоридаги давлатлар Россия тамонидан ўзларига нисбатан қилинган сотқинлик деб атайдилар ва урушдан катта зарар кўрган Россияни бу йиғилишга таклиф ҳам этишмайди.

*Стол атрофига Антанта иттифоқи давлатлари раҳбарлари Буюк Британиядан Дэвид Лойд-Жорж, мезбон Франциядан президент Раймон Пуанкере ва жаҳлдорлиги сабаб йўлбарс лақабини олган бош вазир Жорж Клеманцо, аввалига қарши тарафда жанг қилиб кейинчалик катта пул ва ер олиш эвазига Антанта иттифоқига қўшилган Италиянинг бош вазири Витторио Орландо, урушининг сўнги йилларида бу давлатларга қўшилган АҚШ нинг президенти Вудро Вилсон ҳамда Япония бош вазири Барон Макино келиб ўтиради.*

#### **Давлат раҳбарларининг суҳбати бошланади:**

*Р. Пуанкере:* – Салом жаноблар! Хуш келибсизлар. Бугун биз асос солган иттифоқнинг байрамидир. Бу шонли дақиқаларга эришиш осон бўлмади албатта. Оқибатда адолатсизлик билан вужудга келган Германия империяси ўз хаётини бахтсизликда тугатди.

*Ж.Клеманцо:* - Тўғри айтасиз жаноб президент Германия қилган жинояти учун албатта жавоб бермоғи лозим.

*Д. Лойд-Жорж:* – Жаноблар Германия асосий кучи бўлган ҳарбий кучлари ва флотни тугатиш бизнинг ташқи сиёсатдаги асосий ғалабамиз бўлади албатта.

*В. Вилсон:* - Аммо мен бу фикрни оқлай олмайман. Германияни буткул ҳолсизлантириш дунё сиёсий тизимини издан чиқариб юборади. Жаноблар ҳиссиётга берилмайлик. Чунки бизнинг йўлимизда Германияданда хавфлироқ коммунизм, болшевицизм балоси турганини нутмаслигимиз лозим. Германия иқтисоди синса унинг аҳолиси қандай аҳволда қолади?

*Ж.Клеманцо:* - Германиянинг нафрати бошимизга қандай кулфатларни олиб келгани сир эмас. Шундай экан уни давлат сифатида яқсон қилиш керакки, токи унинг нафрати келажакда хаётимизни заҳарламасин. Германия ғолибларга контрибуцияни олтин билан, қимматбаҳо

коғозлар, ўз кемалари билан тўлайди. ( жаҳл билан).

*Д. Лойд Жорж:* - Жаноблар Германиянинг мустамлакаларидан манфаат кутаётган бир неча тарафдорларимиз борлигини унутмайлик. Улар ҳам моддий зарарни қоплаш умидида. Тинч океанидаги оролларни тақдирини ҳам келишиб олишимиз зарур. Аммо шуни такидлаб ўтаманки урушда руҳан эзилган халқим ҳаққи-хурмати, қолаверса етказилган моддий зарарни қоплаш учун мен Африка ҳудудларга бўлаган давоимдан воз кечмайман.

*Ж.Клеманцо:* - Бу нима деганингиз? Асосий уруш ҳаракатлари Франция ҳудудида бўлаганини унутманг. Сиз денгиз, сув билан ҳимояланиб олиб франсузларнинг дардини тушунармидингиз. Катта талофат эгаси катта контрибуцияга эгалик қилишга ҳақли. *В. Орлондо:* - Мен бу ерда Италияни хоҳишини ўйлаётганлар борлигидан гумондаман. Сизлар мени Антанта тамонда урушга киришим учун Болқондан ҳам ер бериш вадасини бериб, энди эса бу масалагага келганда сукут сақлайсиз. Мен бу йиғилишни Италия манфаатига зид деб баҳолайман. Айнан сизларнинг такаббурлигингиз туфайли Италия тарихда ғолиб давлатлар ичра мағлуб давлат деган ном билан қолади энди. ( В. Орлонда конференция тугамасдан аразлаб кетиб қолади).

*Макино:* - Жаҳоннинг иқтисодиёти ва сиёсати нафақат Европа ёки Американинг қудрати билан юксалади балки Осиёнинг ресурслари ҳам муҳимдир. Ишончим комилки Тинч океанидаги биз истаган ороллар ва Хитой ҳудудидаги вилоятлар бизнинг ихтиёримизга берилса Япония, Буюк Осиё давлатига асос солади ва большевизм балоси билан ҳам кураша олади.

*В. Вилсон:* Ўзаро ҳафаликлар, ички парокандалик Европани еб битиради. Бундай ишлар биздек жентелменларга ярашмайди. Бу ерда биз халқларнинг манфаатидан келиб чиқиб иш кўришимиз даркор эди. Вазият шуни тақазо этаяптики бу конференция ва учрашувлар охиргиси эмас. Бу кетишда ҳали биз бир неча конференцияларни ўтказишимизга, бу конференцияда унутилган ва камситилган давлатлар ҳуқуқини ҳимоя қилишимизга тўғри келади.

Берилган вақтга қараб сахна кўриниши давом эттириш ёки маъносидан узоқлашмаган ҳолда тамомланади. Ҳар ҳолда ўқувчи ўз тенгдоши нигоҳи билан бу жараёнга гувоҳ бўлиши, узоқ муддат уларнинг хотирасида муҳрланиб қолади.

Бу каби усулларни Маънавият асослари, Диншунослик , Иқтисодиёт билим асослари фанларида ҳам яхши натижа беради. Иқтисодиёт асослари фанида уларга ўз бизнес лойиҳасини яратиш имконини бериб, бу фанда баҳс усули яхши натижа беради. Ўқувчи айна дамда ўзининг лойиҳасини камчилик ва ютуқларини кўриб чиқиш имкониятига эга бўлади. Диншунослик ёки Ҳуқуқшунослик фанларида талабаларни иккига бўлиб, жараёнга янада мураккаб тус бериш учун уларни “ибтидоий оламга саёҳат” қилдириш. Уларга ўз давлатини тузишни, ўзларига бошлиқ тайинлашни, ҳудудини белгилашни, нимага ёки кимга сиғиниши мумкинлиги ҳақида уйлаб кўришга унданг. Ўқувчилар ҳар бири бирон лавозим эгаси бўлсин, ёки бирон ишни бажарсинлар. Ва албатта улар ўз давлатларга раҳбар тайинлашсин. Нима учун ўзингизга бош қилиб айнан шу тенгдошингизни танладингиз? Унга бўлган ишончнинг сабаби нима? Унинг камчиликларидан қўрқмайсизми?, Ҳудудий жихатдан кимлар билан қўшнисиз?, Нима билан савдо қиласиз?. Нимага топинасиз? - деган бир неча совопларни беринг. Унутманг ўқувчи бу жараёнда кимнидир бемалол муҳокама қилувчи қайсар одамдан, мулоҳаза юрутувчи ўқувчига айланиб қолади. Чунки у бу ерда ўз келажагига масъулиятни ҳис қилади.

Маънавият асослари фанидан билетлар тайёрланг. Билетларга шу фан дарслигида берилган инсон ҳислатларига, бузғунчи ва бунёдкор ғояларга хос бўлган ибораларни бир-бирига мос келмайдиган ҳолда ёзиб қўйинг. Албатта ўтилган ва янги мавзу бир-бири билан боғланиши керак. Чунки дарснинг иккинчи ярмига бориб сиз кириш ясаб бўлинган дарсни ўқувчилар билан бирга давом эттиришингиз керак.

Масалан №1 Билетда; саҳоват, куч, ёлғон, севги, жаҳолат, қувоноқлик, қурқув каби иборалар бўлсин. Айнан шу билетни тортган гуруҳ истаса шу сўзлар ёрдамида сахна кўриниши, истаса

хикоя тузишсин. Лекин уни тенгдошлари қатори кўрсатиб бера олишсин. Сиз хоҳлаган бахсли вазият ана шундай кейин бошланади. Чунки ёшлар анча танқидга мойил бўладилар. Шунинг учун ҳам ўзлари бир-бирларидан ўзишга ҳаракат қилишади. Бунда ўқитувчи вазиятни ва тинчликни назорат қилиб туриши муҳим. Вақтдан ютиш учун гуруҳлар сони 2 та ёки 3 тадан ошмаслиги ва албатта регламент берилиши керак.

Синектика методини қандай қўллаш, ўз ғояларингиз шу методга мослаштириш ўзингизни ижодкорлигинизга боғлиқлигини унутманг. Ўқитувчи бирор методни дарсда қўллаб қонун-қоидалардан чиқиб кетишдан қўрқмаслиги керак. Асосийси ўқувчи сизни ва дарсингизни унутмаслиги муҳим.

1. Кудрявцев А.В. Методы интуитивного поиска технических решений (методы анализа проблем и поиска решений в технике). — М.: Речной транспорт, 1991. — 112 с.
2. ru.wikipedia.org/wiki/Эвристика <https://bigenc.ru/philosophy/text/> МАЙЕВТИКА • Большая российская энциклопедия ...
3. <https://vikent.ru/enc/2364/> Метод синектики Уильяма Гордона Майкл Микалко, Игры для разума. Тренинг креативного мышления, СПб, «Питер», 2007 г., с. 302.
4. <https://4brain.ru/blog> Синектика — коллективный творческий метод от Уильяма Гордона Метод синектики - [students-library.com](http://students-library.com)
5. [www.grandars.ru](http://www.grandars.ru) > Маркетинг > Основы маркетинга. Синектика и метод синектики - [Grandars.ru](http://Grandars.ru)